

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВ БАХТИЁР СУВОНҚУЛОВИЧ

**КУРКА ГЕЛЬМИНТОЗЛАРИ ВА ГИСТОМОНОЗИНИНГ
ЭПИЗОТОЛОГИЯСИ ҲАМДА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

03.00.06 Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD)
on veterinary sciences**

Рустамов Бахтиёр Сувонкулович

Курка гельминтозлари ва гистомонозининг эпизоотологияси ҳамда уларга қарши курашиш тадбирларини такомиллаштириш..... 3

Рустамов Бахтиёр Сувонкулович

Эпизоотология гельминтозов и гистомоноз индек и совершенствование методов борьбы с ними..... 21

Rustamov Bakhtiyor Suvonkulovich

Epizootology of helminthiasis and histomoniasis of turkeys and the improvement of methods to combat them..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВ БАХТИЁР СУВОНҚУЛОВИЧ

КУРКА ГЕЛЬМИНТОЗЛАРИ ВА ГИСТОМОНОЗИНИНГ
ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ ҲАМДА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

03.00.06 Зоология

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/V43 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.samvmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Давлатов Равшан Бердиевич ветеринария фанлари доктори, профессор |
| Расмий оponentлар: | Орипов Анвар Орипович ветеринария фанлари доктори, профессор Насимов Шухрат Наимович ветеринария фанлари номзоди |
| Етакчи ташкилот: | Тошкент давлат аграр университети |

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «12» 02 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (+99866) 234-76-86; e-mail: samvmi@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14292 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-уй. Тел.: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2022 йил «21» 01 куни тарқатилди.
(2022 йил «21» 01 даги 19 -рақамли реестр баённомаси).




Х.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, биол.ф.д., профессор


Ш.Х.Курбанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, вет.ф.н., доцент


Қ.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги даврда кўпчилик давлатларнинг паррандачилик ишлаб чиқаришида куркачилик тармоғи жадал ривожланаётган йўналиш ҳисобланади. «Жаҳонда курка гўшти етиштириш 2017 йилда 6,4 млн. тонна 2007 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда етиштиришнинг йиллик ўртача ўсиш суръати 1,2% ни ташкил қилган»¹. Сўнги йилларда бу соҳага бўлган эътибор ва аҳолининг кенг қатламлари қизиқиши сабабли охириги 30 йил мобайнида республикада йилига етиштирилаётган паррандалар сони 34 млн. бошдан 93 млн. бошгача етказилди, жами паррандаларнинг 44% га яқин улуши ихтисослашган саноат паррандачилик ва фермер хўжаликларида, 56% аҳоли хонадонларида боқилмоқда. Айтилган пайтда паррандалар, хусусан куркалар орасида кенг тарқалган инвазион касалликлардан келадиган иқтисодий зарарни олдини олиш ҳамда замонавий даволаш ва қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дунё миқёсида куркаларда кенг тарқалган инвазион касалликларнинг эпизоотологик, эпидемиологик ҳолатини аниқлаш, аниқ ташхислаш, замонавий даволаш ва профилактика тадбирларини амалга ошириш борасида мазкур муаммонинг самарали ечимини ишлаб чиқиш, аҳолининг парранда гўштига бўлган талабини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бу борада паррандаларнинг, жумладан куркаларнинг инвазион касалликларига қарши курашишда самарали даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб муаммолардан биридир.

Республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда паррандачилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, мамлакатимизда паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, соҳани янада жадал ривожлантиришга, жумладан замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш ва тайёр паррандачилик маҳсулотлари экспортини таъминлашда ва бошқа уй паррандалари турларини (курка, бедана, ғоз, ўрдак, туяқуш ва бошқ.) кўпайтиришни ташкил қилишда, улар орасида учрайдиган инвазион касалликларни эртачи аниқлаш, даволаш ва олдини олиш долзарб муаммолардан бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»², 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон

¹ Мировой рынок мяса индейки. Маркетинговое исследование: тренды, анализ и прогноз, 2018.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

«Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ-4015-сон «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 14 июндаги ПҚ-5146-сон «Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага доир бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация доирасидаги тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Куркаларнинг гельминтозлари ва гистомонози бўйича хорижлик олимлар А.А.Кириев, М.К.Кожоков, Э.В.Жашуева, Н.В.Богач, Ю.А.Прихотков, А.В.Зайкина, Г.З.Хазиев, А.С.Соғатов, З.И.Дзарматова, Р.Р.Гиззатулина, L.R.McDougald, Tyzzer and Fabyan, Cushman, Graybill and Smith, Callait-Cardinal, Honigberg and Bennett, M.Hess, D.Gerbod, Keeling, R.W.Gerhold томонидан қатор тадқиқотлар ўтказилиб, ушбу касалликларни қўзғатувчилари, эпизоотологик ҳолати, уларга қарши курашиш ва олдини олиш чоралари бўйича муҳим илмий натижаларга эришилган.

Аммо республикамизда куркалар гельминтозлари ва гистомонозини ўрганишга оид илмий-тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаган, сўнгги йилларда республикамизда паррандачиликнинг куркачилик йўналиши жадал ривожланмоқда, шу сабабли куркалар орасида кенг тарқалган инвазион касалликлар тарқалишини, уларнинг қўзғатувчиларини аниқлаш, янги замонавий даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг илмий ишлари режаси ҳамда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Пастдарғом ва Иштихон туманлари паррандачилик хўжаликлари билан тузилган (2018-2021 йй.) хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд ва Жиззах вилояти шароитида паррандачилик хўжаликларида куркалар гельминтози ва гистомонозининг эпизоотологик ҳолатини, касаллик қўзғатувчи паразитларнинг тарқалишини аниқлаш ҳамда улар чақирадиган касалликларга қарши курашиш, олдини олиш ва даволаш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

курка гельминтозлари ва гистомонозининг йил фаслларида боғлиқлиги, куркаларнинг зоти ва ёшлари бўйича эпизоотик хусусиятларини аниқлаш;

курка гельминтозлари ва гистомонозига ташхис қўйишда мавжуд

усулларни такомиллаштириш;

курка гельминтозлари ва гистомонозини даволашда комплекс даволаш усуллари синовдан ўтказиш;

курка гельминтозлари ва гистомонозини даволаш ва олдини олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Пастдарғом, Иштихон туманлари ҳамда Жиззах вилояти Зарбдор туманининг шахсий аҳоли қарамоғидаги ва паррандачилик хўжаликларидаги турли ёшдаги куркалар, уларнинг турли органлари, улардан йиғилган гельминтлар, тухумлари, тезак намуналари, антигельминтик ва антипаразитар препаратлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети гельминтозлар ва гистомоноз билан спонтан зарарланган куркаларни даволашнинг замонавий комплекс усуллари такомиллаштириш ва антигельминтик гуруҳига мансуб дори воситаларини қўллаш, антипаразитар воситаларнинг даволовчи самарасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда умумий қабул қилинган клиник, эпизоотологик, микроскопик, биокимёвий, гельминтологик, паразитологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

курка гельминтозлари ва гистомонозининг кўзгатувчилари, ушбу инвазияларни тарқалиши ва мавсумий динамикаси аниқланган;

курка гистомонозига ташхис қўйишда «эзилган томчи» усули қўлланилиб, уни бошқа протозоозлардан дифференциаллаш услуби такомиллаштирилган;

курка аскаридиозини даволашда «Панафенб» антигельминтиги 40 мг/кг миқдорда омихта емга қўшиб берилганда юқори самара бериши аниқланган;

курка жўжалари гистомонозини даволашда «Метронидазол» (0,5 гр 1 кг омихта емга) ва «Biosupervet Neo» (0,5 мл 1 литр сувга) биргаликда қўлланилганда даволовчи самарадорлиги юқори эканлиги тажрибаларда исботланиб, даволаш муолажалари такомиллаштирилган;

курка гистомонозига қарши ишлаб чиқилган комплекс даволаш усулини қўллаш эвазига даволаш муддатини 10 кундан 7 кунга қисқаришига эришилган ва самарадорлик 98% ни ташкил қилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

республика фермер ва шахсий аҳоли қарамоғидаги куркачилик хўжаликларида курка гельминтозлари ва гистомонозининг эпизоотологияси ва тарқалиш сабаблари аниқланган;

куркалар гистомонозини даволаш муддатларини камайтириш мақсадида қўлланилаётган антипаразитар препаратларга қўшимча равишда витаминли комплекслардан фойдаланиш, куркаларнинг гемо-морфологик ва гемо-биокимёвий кўрсаткичларига ижобий таъсири илмий асосланган;

самарали ва тежамкор диагностика усуллари кенг қўллаш учун куркалар гистомонозининг диагностикаси, даволаш ва олдини олиш бўйича амалий тавсиянома ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Текширишларнинг замонавий

услуг ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, шахсий тадқиқот натижалари ҳамда хорижий ва маҳаллий тажрибалар чуқур илмий таҳлил этилганлиги, Самарқанд ветеринария медицинаси институти апробация комиссияси томонидан илмий тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий ишлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фермер хўжаликларидаги ва шахсий аҳоли қармоғидаги куркачилик хўжаликларида курка гельминтозлари ва гистомонозининг эпизоотологик хусусиятлари, касалликнинг клиник кечиши, айрим янги антигельминтиklar ва витаминли комплекслар синовдан ўтказилган, куркалар организмдаги гематологик ва биокимёвий ўзгаришлари таҳлил қилиниб, препаратларнинг самарадорлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти куркалар орасида кенг тарқалган гельминтоз касалликларида ва гистомонозида куркачилик хўжаликларида антипаразитар препаратлар ва витаминли комплекслар қўлланилиши натижасида курка жўжаларининг даволаниб соғайиши, ҳаётчанлиги ортиши, ўсиш ва ривожланишининг яхшиланиши, тана вазни ортиши, уларни касалликларнинг олдини олишда қўллаш эвазига махсусдорлик ортишига эришилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Курка гельминтозлари ва гистомонозини эпизоотологияси ҳамда уларга қарши курашиш тадбирларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Куркалар гистомонозини диагностикаси, даволаш ва олдини олиш бўйича тавсиялар» тасдиқланган, Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг кўркакчилик хўжаликларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 25 октябрдаги №02/23-344-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни қўллаш эвазига куркаларни гистомоноз билан инвазияланишининг олдини олишга эришилган;

курка аскаридиозини даволаш ва олдини олиш учун панафенб антигельминтигини (40 мг/кг миқдорда омихта ем билан) қўллаш усули ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 25 октябрдаги №02/23-344-сон маълумотномаси). Натижада куркаларни аскаридиозига қарши кураш ва олдини олишда юқори самарадорликка эришилган;

курка гистомонозини даволашда 1-2 ойлик курка жўжаларига метронидазол (0,5 гр 1 кг омихта емга) ва биосупервет нео (0,5 мл 1 литр сувга) биргаликда қўллаш, комплекс усули ишлаб чиқилган ҳамда Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг куркачилик хўжаликларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 25 октябрдаги №02/23-344-сон маълумотномаси). Ушбу комплекс даволаш усулини қўлланилиши эвазига, сарфланган 1 сўм харажат

ҳисобига иқтисодий самарадорлик 12,0 сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, шу жумладан 2 та халқоро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 6 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Курка гельминтозлари ва гистомонозининг эпизоотологияси ҳамда уларга қарши курашиш тадбирларини такомиллаштиришга оид адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи боби беш қисмга бўлинган бўлиб, «Курка гельминтозлари (умумий маълумот)» деб номланган биринчи қисмида курка гельминтозларининг тарқалиши, гельминтофаунаси, биологияси ва эпизоотологик маълумотларни ўрганишга оид МДҲ ва хорижий мамлакат олимларининг тадқиқот натижалари келтирилган. «Замонавий антигельминтик ва антипаразитар воситалар» деб номланган иккинчи қисмида дунё миқёсида куркаларнинг гельминтозлари ва гистомонозини даволаш ва олдини олишда қўлланилаётган препаратларнинг таъсир механизми бўйича тадқиқотлар кенг ёритилган. «Курка аскаридиозининг биологияси, эпизоотологияси, патогенизи, клиник белгилари, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари» деб номланган учинчи қисмда курка жўжалари орасида айниқса кенг тарқалган аскаридиоз касаллигини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларига оид адабиёт маълумотлари баён этилган. «Курка гетеракидоз ва райетинози ҳақида маълумотлар» деб номланган тўртинчи қисмда тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий ишлар таҳлили асосида куркачилик хўжаликларида учрайдиган гетеракидоз ва райетиноз касаллиги кўзғатувчиларининг биологик

ва эпизоотологияси тўғрисида олимларнинг тадқиқот натижалари келтирилган. «Курка гистомонози – этиологияси, эпизоотологияси, патогенези, клиник белгилари, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш» деб номланган бешинчи қисмда бир қатор хориж олимларининг гистомонадалар биологияси, эпизоотологик маълумотларига, клиник белгилари ва диагностикасига доир илмий маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услулари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқот ишлари 2018-2021 йиллар давомида Самарқанд вилоятининг Иштихон ва Каттакўрғон туманидаги Каттакўрғон Валижон Парранда МЧЖ ва Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги хусусий куркачилик хўжаликларида, институт виварийида бажарилди. Илмий тадқиқотларда 3 ҳафталикдан 12 ойликгача бўлган куркаларда гельминтозлар ва гистомонозини аниқлашда Дарлинг, Фюллеборн усулларида фойдаланилди ҳамда содда паразитларни тирик ҳолида текшириш учун эзилган томчи усули қўлланди. Тадқиқотларда янги антигельминтиклар, витаминли комплексларни қўллаш асосида препаратларнинг самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди. Курка гистомонозини даволашда қўлланилган антипаразитар препарат витаминли комплекс билан биргаликда қўлланилганда қоннинг морфо-биокимёвий кўрсаткичларига тасири аниқланди. Тажрибалар асосида олинган рақамлар статистик ишловдан ўтказилиб, кўрсаткичлар орасидаги хатоликларга Стюдент жадвали асосида ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Курка аскаридозининг эпизоотологияси, диагностикаси, даволаш ва олдини олишда янги антигельминтикларни самарадорлиги**» деб номланган учинчи бобида курка аскаридозининг эпизоотологияси, экстенсивлиги, интенсивлиги ва диагностикаси, даволаш ва олдини олишда қўлланилган антигельминтикларнинг самарадорлиги, антигельминтикларнинг қўлланиши тадқиқ этилган.

Хусусан ушбу бобнинг «Курка аскаридозининг эпизоотологияси» биринчи қисмида куркалар аскаридозига доир эпизоотик жараён, инвазиянинг тарқалиши, курка жўжаларининг ёшига боғлиқлик хусусиятлари, экстенсивлик ва интенсивлик ҳолатлари таҳлил қилинган.

Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги хўжаликда курка аскаридозининг тарқалишини ўрганишда 115 бош 2-5 ойлик курка жўжаларининг тезак намуналари текширилган бўлиб, шундан 45 намунадан гельминтозлар ажратилиб, намуналарнинг 20 тасида аскаридоз аниқланиб инвазиянинг экстенсивлиги 44,5% ни, 15 намунада гетеракидоз аниқланиб инвазиянинг экстенсивлиги 33,4% ни, 10 намунада райетиноз аниқланиб инвазиянинг экстенсивлиги 22,2% ни ташкил этди (1-жадвал).

Диссертациянинг «Курка аскаридозини диагностикаси» номли иккинчи қисмида курка аскаридозини диагностика қилиш, яни уни бошқа гельминтозлардан ажратиш, инвазиянинг профилактик дегельминтизацияси натижалари келтирилган.

Курка жўжаларининг копрологик текшириш натижалари

| Жами намуналар сони | Аскаридиоз | | Гетеракидоз | | Райетиноз | |
|---------------------------|----------------|---------------------------------|----------------|---------------------------------|----------------|---------------------------------|
| | намуна сони | инвазия экстенсив- лиги,% | намуна сони | инвазия экстенсив- лиги,% | намуна сони | инвазия экстенсив- лиги,% |
| 45 | 20 | 44,5 | 15 | 33,4 | 10 | 22,2 |

«Курка аскаридиозини даволашда панафенбни синовдан ўтказиш» номли учинчи қисмда аскаридиозни олдини олиш ва даволашда самарадорлиги юқори бўлган антигельминтикнинг синов натижалари келтирилган.

Тажрибадаги 2 ойлик курка жўжалари аналоглар қоидаси бўйича 10 бошдан 4 гуруҳга ажратилди. Жумладан 1-гуруҳ соғлом назорат, 2-гуруҳ тажрибада 20% ли альбендазол гранулят (50 мг/кг), 3-гуруҳга панафенб (40 мг/кг), 4-гуруҳга панафенб (30 мг/кг) қўлланилди. Куркаларнинг аскаридиозда бу янги антигельминтик жўжаларга 10 соат озиклантормасдан кейин омихта емга эрталаб наҳорда (1 бош жўжага ўртача 10 г гача ем) яхшилаб аралаштирилиб берилади, шундан сўнг 4 соат давомида бошқа озуқа, сув берилмай турилади. Гуруҳдаги жўжалар бир хил шароитда сақланди ва озиклантирилди ҳамда кунлик клиник, копрологик текширувлар кузатиб борилди.

Антигельминтиklar қўлланилгач текширув ишлари 1, 3, 6, 12, 24, 36, 48, 72 соатларда гельминтоовоскопик усулларда олиб борилди ва аскаридий тухумларининг ажралиш интенсивлиги таҳлил қилинди.

Таdqикотлар давомида паррандаларни аскаридиоздан химоя қилиш мақсадида 2 хил антигельминтикнинг самарадорлиги аниқланди. Альбендазол антигельминтиги синалган 2-гуруҳ жўжаларнинг тезак намуналарида 12 соатдан кейин аскаридий тухумлари 6,2 нусхада аниқланган бўлса 24 соатдан кейин эса 5,0 нусхада учради, 48 соат ўтгандан сўнг камайиб 2,2 нусхада, 72 соатдан сўнг эса ягона нусхаларда қайд этилди ва дори воситасининг самарадорлиги 87,6 % га тенг бўлди.

Панафенб – 40 мг/кг миқдорда тирик вазнига қўлланилганда 3-гуруҳ жўжаларнинг организмдан аскаридий тухумлари ажралиши 12 соатдан кейин 0,6 нусхада учраган бўлса, 36 соатдан сўнг бирдан камайиб, 48 соатдан кейин инвазия атига 0,2 нусхада қайд этилиб, дорининг самарадорлик кўрсаткичи 97,8 % га тенг бўлган. 4-гуруҳ жўжаларига ҳам Панафенб дори воситаси 30 мг/кг миқдорда қўлланилганда 12 соат ўтгач тезак намуналарида аскаридий тухумлари 5,2 нусхада аниқланган бўлса, 48 соатдан сўнг уларнинг ажралиши камайган, 72 соатдан кейин 1,6 нусха аскаридий тухумлари қайд этилди ва дорининг самарадорлик кўрсаткичи 86,4 % га тенг бўлди (2-жадвал).

Янги антигельминтик панафенб препарати 40 мг/кг миқдорда қўлланилган тажриба гуруҳларида аскаридиозга қарши юқори самарадорлик кўрсаткичлари қайд этилди.

**Куркаларнинг аскаридиозидида антигельминтикларнинг
самарадорлигини ўрганиш натижалари**

| № | Гуруҳлар | 1 | 3 | 6 | 12 | 24 | 36 | 48 | 72 | Дорининг самара- дорлиги, % |
|---|---|--|------|------|------|------|------|------|------|--------------------------------------|
| | | соат | соат | соат | соат | соат | соат | соат | соат | |
| | | Аниқланган тухумлар сони (5 та кўриш майдонида ўртача) | | | | | | | | |
| 1 | Соғлом назорат | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 2 | Тажриба 20 фоизли альбендазол гранулят (50 мг/кг) | 10,8 | 9,4 | 8,2 | 6,2 | 5,0 | 3,0 | 2,2 | 1,4 | 87,6 |
| 3 | Тажриба панафенб (40 мг/кг) | 9,2 | 7,4 | 4,2 | 0,6 | 0,4 | 0,4 | 0,2 | 0,2 | 97,8 |
| 4 | Тажриба панафенб (30 мг/кг) | 10,4 | 8,4 | 6,4 | 5,2 | 4,0 | 3,0 | 2,2 | 1,6 | 86,4 |

Дисертациянинг «**Курка гистомонозининг эпизоотологияси, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш тадбирларини такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида куркалар гистомонозининг эпизоотологияси, самарали антипаразитар препаратларни витаминли комплекслар билан биргаликда қўлланилишининг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг «Курка гистомонозинининг эпизоотологик хусусиятлари» деб номланган бўлимида курка гистомонозининг эпизоотологик хусусиятлари бўйича олиб борилган тажриба натижалари баён этилган.

Тадқиқотлар давомида Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги куркачилик хўжалигидаги ва Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманининг «Каттакўрғон Валижон Парранда» МЧЖ, Давлат ўрмон хўжалиги Миёнқол ўрмон бўлимидаги касал ва ўлган куркалар патологоанатомик ва Дарлинг усули бўйича капрологик текширувдан ўтказилганда гистомонозга хос белгилар аниқланди. Гистомонадалар билан зарарланган куркаларда ошқозон, ичак, жигар, кўричак, айрим пайтларда талоқ яллиғланиши билан кечади. Бундан ташқари, бош терисининг кўкариши кузатилади. Куркачилик хўжаликларида гистомоноз оқибатида иқтисодий зарар паррандаларнинг ўлими (40% гача), жўжалар ўсиш ва ривожланишдан ортда қолиши, диагностик текширув, даволаш муолажалари, ветеринария санитария тадбирларини ўтказишга сарфланадиган харажатлар ҳисобидан катта қийматни ташкил қилади. 105 бош 70-90 кунлик курка жўжалари текширилди (3-жадвал).

3-жадвал маълумоти бўйича курка жўжаларининг ахлат ва ички органлардаги патологоанатомик ўзгаришларга асосланганда фақат гистомоноз билан зарарланиш 38,1% (40 та намуна), аралаш инвазиялар:

гистомоноз+эймериоз 18,01% ҳолатларда (19 та намуна), эймериоз билан зарарланиш 15,2% (16 та намуна) учраган. Жами гистомоноз ва аралаш инвазиялар бизнинг тадқиқотимизда 56,2% ҳолатда (59 та намуна) аниқланди.

3-жадвал

Курка жўжаларини гистомонозга диагностик текшириш натижалари

| Жами намуналар сони | Гистомоноз | | Гистомоноз ва бошқа 2 инвазия | | Эймериоз | | Эймериоз + гистомоноз | | Жами гистомоноз ва бошқа биргаликда | |
|---------------------|-------------|------------------------------|-------------------------------|------------------------------|-------------|------------------------------|-----------------------|------------------------------|-------------------------------------|------------------------------|
| | Намуна сони | Инвазиянинг экстенсивлиги, % | Намуна сони | Инвазиянинг экстенсивлиги, % | Намуна сони | Инвазиянинг экстенсивлиги, % | Намуна сони | Инвазиянинг экстенсивлиги, % | Намуна сони | Инвазиянинг экстенсивлиги, % |
| 105 | 40 | 38,1 | 19 | 18,01 | 16 | 15,2 | 19 | 18,01 | 59 | 56,2 |

Шу билан биргаликда гистомоноз ёппасига ва тез тарқалувчи эпизоотик хавfli касаллик ҳисобланади.

«Курка гистомонозини дифференциал диагностикаси» деб номланган қисмда гистомонозга таъхис қўйишда паталогоанотомик ва лаборатория текшириш усуллари натижалари, гистомонадани трихомонада ва эймериядан фарқлаш (дифференциациялаш) натижалари келтирилган (4-жадвал).

4-жадвал

Касаллик қўзғатувчисини фарқлаш

| Қўзғатувчиси | Морфологияси | Жойлашиши |
|--------------|--|-----------------------|
| Гистомонада | Хивчинли формаси овал шаклда, асосан битта, айрим ҳолларда 3-4 та хивчин мавжуд, хивчинсизлари овал ва айлана шаклда | Кўр ичакда ва жигарда |
| Трихомонада | Доира шаклда, хивчинлари мавжуд | Кўр ичакда ва жигарда |
| Эймерия | Ооцистаси овал доира шаклда, эндоген формаларида хужайра ичида мерозоитлари мавжуд. | Ичакларда ва жигарда |

Гистомонаданинг бошқа содда ҳайвонлардан ажралиб турадиган белгиларидан бири бу биринчи тўлқинсимон (ундуляр) мембрананинг, аксостил ва цитостоманинг йўқлиги ҳисобланади. Гистомонадалар зарарланган парранданинг тўқималарини ҳазм бўлишига ёрдам берадиган протеолетик

ферментлар ажратиб туради. Куркалар орасида гипогликемиядан ўлим сони ортади.

«Курка гистомонозини даволашда фуразолидон ва метронидазол препаратларининг самарадорлиги» қисмида ўтказилган тажрибаларда қўлланилган препаратларнинг самарадорлиги келтирилган (5-жадвал).

5-жадвал

Курка гистомонозини даволашда синовдан ўтказилган препаратларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

| Гуруҳлар | Гуруҳлар номи | Дорилар номи | Дори дозаси (мг/кг емга) | Гуруҳдаги курка жўжалар соони | Гуруҳдаги жўжаларнинг сақланиши, % | Дори берилгач инвазия интенсивлиги | | | | | | Дорининг самарадорлиги, % |
|----------|-----------------------|---------------|--------------------------|-------------------------------|------------------------------------|-------------------------------------|---------|--------|--------|--------|-------|---------------------------|
| | | | | | | Текширув кунлари (ооцисталар нусха) | | | | | | |
| | | | | | | 3 – кун | 4 - кун | 5 -кун | 6 -кун | 7- кун | 8-кун | |
| 1 | Соғлом назорат гуруҳи | - | - | 5 | 100 | - | - | - | - | - | - | - |
| 2 | Касал назорат гуруҳи | - | - | 5 | 40 | 80 | 85 | 94 | 61 | 57 | 63 | - |
| 3 | Тажриба гуруҳи | метрон идазол | 500 | 5 | 100 | 15 | 17 | 25 | 6 | 2 | 1 | 98 |
| 4 | Тажриба гуруҳи | фуразо лидон | 500 | 5 | 100 | 19 | 21 | 28 | 7 | 3 | 2 | 96,5 |

Ўтказилган даволаш тадбирларининг самарадорлиги юқори бўлган даволашдан кейин 3-тажриба гуруҳидаги 5 бош курка жўжаларида гистомонадалар ягона нусхада қайд этилди, қўлланилган метронидазол препаратининг самарадорлик кўрсаткичи 98% ни ташкил қилди; 4-тажриба гуруҳидаги курка жўжаларида ҳам гистомонадалар жуда кам нусхаларда аниқланиб, қўлланилган фуразолидон препаратининг самарадорлиги 96.5 % ни ташкил этди. Айни пайтда 2-касал назорат гуруҳидаги жўжаларда гистомонадаларнинг интенсивлиги доимий сақланди. 1-соғлом назорат гуруҳидаги жўжаларда гистомонадалар мутлақо қайд этилмади.

«Курка гистомозини даволашда витаминли комплексларни самарадорлиги» қисмида ўтказилган тадқиқот натижаларига асосан витамин комплекслари қўлланилганда курка жўжаларини ўсишини тезлаштириши ва уларнинг табиий чидамлилигини ошириши аниқланди. Куркалар учун қўлланиладиган витамин комплекслари таркиби антипаразитар препаратларнинг самарадорлигини оширади ва шу билан биргаликда қўлланиш

муддатини қисқартиради. Улар антиоксидант сифатида муҳим рол ўйнайди. Куркаларнинг паразитар касалликлар билан касалланиши уларнинг организмидаги витаминлар алмашинуви мувозанатини бузади. Витамин-минерал комплексларини инвазион касалликлар бўйича режали даволаш ва профилактик тадбирлар мажмуига киритиш инвазияни олдини олиш ва даволаш самарадорлигини оширади.

Витамин комплекслари курка жўжаларини ўсишини тезлаштиришини ва уларнинг табиий чидамлилигини оширишини инобатга олиб тадқиқотларимиз давомида нисбатан вазн ортишини ҳисоблаш амалга оширилди.

Нисбатан ўсиш - паррандаларнинг ўсиш суръатининг қиймати, бу назорат даври бошланишига қадар унинг вазнига нисбатан фоизда кўрсатилган. Қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K = \frac{W1 - W0}{W0} * 100$$

А.Майнот томонидан таклиф қилинган нисбий даромадни ҳисоблаш усули С.Броди томонидан такомиллаштирилди. Ўсиш тезлигини ҳисоблашда у мутлақ ўсишнинг қийматини (А) бошланғич массага (W0) эмас, балки бошланғич ва якуний оралик қийматга ишора қилди.


$$K = \frac{W1 - W0}{0.5 * (W1 + W0)} * 100$$

«Куркалар гистомонозини даволашда қўлланилган препаратларнинг қоннинг айрим морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларига таъсири» бўлимида курка гистомонозини даволашда самарадорлиги юқори бўлган антипаразитар препаратларни витамин комплекслари билан биргаликда қўлланилганда қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларига таъсири ёритилган.

Тадқиқотлар давомида куркачилик хўжаликларидан соғлом ва гистомоноз билан спонтан зарарланган 2 ойлик курка жўжалари тўрт гуруҳга ажратилди. 1-гуруҳ соғлом назорат, 2-гуруҳ гистомоноз билан спонтан зарарланган курка жўжаларига даволовчи препаратлар қўлланилмади. 3-ва 4-гуруҳ курка жўжалари ҳам гистомонадалар билан спонтан зарарланган бўлиб, 3-гуруҳ жўжаларига метронидазол (0,5 гр 1 кг омихта емга) ва биосупервет нео витамин комплекси (0,5 мл 1 литр сувга) қўлланилди. 4-гуруҳдаги курка жўжаларига фуразолидон (0,5 гр 1 кг омихта емга) ва биосупервет нео витамин комплекси (0,5 мл 1 литр сувга) қўлланмасига асосан берилди. Тажрибанинг 3-,5-,10-, 15- ва 20-кунлари куркалар қанотининг билак венасидан олинган қон намуналари морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларга текширилди.

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, гистомонозга хос клиник белгилар ҳамда қондаги асосий морфологик ўзгаришлар 2-зарарлантирилиб даволанмаган касал назорат гуруҳида тажрибанинг 3-кунидан бошлаб кузатилди, яъни бу пайтда қондаги эритроцитлар сони назоратга нисбатан камайди ва ўртача $2,48 \pm 0,06$ млн./мкл (23%) ни, 5-кунида $2,58 \pm 0,09$ млн./мкл

(17,1%) ни, 10-кунида $2,18 \pm 0,04$ млн./мкл (34,9%) ни, 15-кунида $2,11 \pm 0,03$ млн./мкл (35,3%) ни, 20-кунида эса $2,048 \pm 0,04$ млн./мкл (38,1%) ни ташкил этди ($p < 0,05$) (1-расм).




1-расм. Тажрибадаги курка жўжалари қони таркибидаги эритроцитлар сони ($10^{12}/л$)

3-тажриба гуруҳидаги курка жўжаларида қондаги эритроцитлар сони тажрибанинг 3-кунига келиб назоратга нисбатан камайди ва $2,54 \pm 0,05$ млн./мкл (22,1%) ни, 5-кунида $2,82 \pm 0,04$ млн./мкл (9,01%) ни, 10-кунида $2,9 \pm 0,06$ млн./мкл (13,44%) ни, 15-кунида $3,2 \pm 0,07$ млн./мкл (1,84%) ни, 20-кунида $3,26 \pm 0,07$ млн./мкл (1,51%) ни ташкил этганлиги қайд этилди ($p < 0,05$).

Спонтан зарарланган куркалар гистомонозининг кимёпрофилак-тикасида қўлланилган препаратларнинг қондаги гемоглобин миқдорига таъсири қуйидагича намоён бўлди. 2-зарарлантирилиб даволанмаган касал назорат гуруҳида бу кўрсаткич тажрибанинг 3-кунида соғлом назорат гуруҳига нисбатан камайди ва $79,8 \pm 0,96$ г/л (6,6%) ни, 5-кунида $73 \pm 1,83$ г/л (19,6%) ни, 10-кунида $69,4 \pm 0,90$ г/л (27,4%) ни, 15-кунида $64,6 \pm 1,44$ г/л (34,7%) ни ва 20-кунида $60,6 \pm 2,36$ г/л (41,4%) ни ташкил этди ($p < 0,05$) (2-расм).

3-тажриба гуруҳида қондаги гемоглобин миқдори тажрибанинг 3-кунига келиб соғлом назорат гуруҳига нисбатан камайди ва $78,8 \pm 1,44$ г/л (8,2%) ни, 5-кунида $80,4 \pm 1,68$ г/л (11,5%) ни, 10-кунида $86,8 \pm 1,78$ г/л (9,2%) ни, 15-кунида $96,2 \pm 1,55$ г/л (2,8%) ни ташкил қилди, 20-кунида эса унинг $112 \pm 2,85$ г/л (9,8%) гача ортганлиги кузатилди ($p < 0,05$).




2-расм. Тажрибадаги курка жўжалари қони таркибидаги гемоглобин миқдори (г/л)

Қондаги эритроцитлар сони ва гемоглобин миқдори бўйича кузатиш бундай ўзгаришларни қўлланилган даволаш комплекси таъсирида гемолиз жараёнининг пасайиши билан изохлаш мумкин.


Спонтан зарарланган куркалар гистомонозининг кимёпрофилактикасида қўлланилган препаратларнинг қоннинг биокимёвий кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, қон зардобидидаги умумий оксил миқдори 2-зарарлантирилиб даволанмаган касал назорат гуруҳида тажрибанинг 3-кунида соғлом назорат гуруҳига нисбатан камайиб, $40,3 \pm 0,60$ г/л (3,4%) ни, 5-кунида $39,7 \pm 0,65$ г/л (11,6%) ни, 10-кунида $37,4 \pm 1,03$ г/л (15,6%) ни, 15-кунида $34,6 \pm 1,20$ г/л (21%) ни ва 20-кунида $32,5 \pm 0,50$ г/л (25,2%) ни ташкил этди ($p < 0,05$) (3-расм).

3-тажриба гуруҳида бу кўрсаткич тажрибанинг 3-кунига келиб соғлом назорат гуруҳига нисбатан камайди ва $39,2 \pm 0,96$ г/л (6%) ни, 5-кунида $40,4 \pm 0,57$ г/л (10,1%) ни, 10-кунида $41,4 \pm 0,83$ г/л (6,6%) ни, 15- ва 20-кунларида эса, мос равишда, $45,2 \pm 0,96$ г/л (3,1%) ва $45,1 \pm 1,22$ г/л (3,9%) гача ортганлиги кузатилди ($p < 0,05$).

Спонтан зарарланган куркалар гистомонозининг кимёпрофилактикасида қўлланилган препаратларнинг қондаги альбуминлар миқдорига таъсири куйидагича намён бўлди. 2-зарарлантирилиб даволанмаган касал назорат гуруҳида бу кўрсаткич тажрибанинг 3-кунида соғлом назоратга нисбатан камайиб, $29 \pm 0,79\%$ (5,9%) ни, 5-кунида $22 \pm 0,80\%$ (32,5%) ни, 10-кунида $24,8 \pm 0,96\%$ (26,2%) ни, 15-кунида $21,6 \pm 0,90\%$ (34,5%) ни ва 20-кунида $20,4 \pm 0,57\%$ (39,3%) ни ташкил этди ($p < 0,05$) (4-расм).



3-расм. Тажрибадаги курка жўжалари қон зардобдаги умумий оксил микдори (г/л)



4-расм. Тажрибадаги курка жўжалари қонидаги альбуминлар микдори (%).

3-тажриба гуруҳида бу кўрсаткич тажрибанинг 3-кунига келиб соғлом назорат гуруҳига нисбатан камайиб, $28,6 \pm 0,57\%$ (7,2%)ни, 5-кунида $29,6 \pm 0,57\%$ (9,2%) ни ва 10-кунида $33 \pm 0,79\%$ (1,8%) ни ташкил қилган бўлса, 15- ва 20-кунларига келиб, мос равишда, $36,2 \pm 0,96\%$ (9,7%) ва $39,2 \pm 0,74\%$ (16,7%) гача ортганлиги кузатилди ($p < 0,05$).

Қон зардобидаги умумий оқсил ва альбуминлар бўйича кузатилган бундай ўзгаришларни қўлланилган даволаш комплекси таъсирида жигарнинг оқсил синтезлаш фаолиятининг мўътадиллашуви билан изоҳлаш мумкин. Чунки альбуминларнинг ҳаммаси жигарда синтезланади.

Тадқиқот натижаларидан кўришиб турибдики, лаборатория текширувларида курка жўжаларининг гистомонозини даволаш муолажалари учун метронидазол (0,5 г/1 кг омихта емга) ва биосупервет нео (0,5 мл/1 литр сувга) қўлланилганда самарадорлиги юқори бўлиши ва қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларига салбий таъсирлари аниқланмади.

Ишлаб чиқилган ушбу профилактик дори воситалари мажмуасини куркачилик хўжаликларида куркалар гельминтозлари ва гистомонозини олдини олишда жорий этилишининг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, сарфланган 1 сўм харажат ҳисобига иқтисодий самара 12,0 сўмни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Аскаридиоз билан курка жўжалари ва 6-8 ойлик куркалар кўп зарарланади. Катта ёшдаги куркалар эса инвазияни ташувчи ва тарқатувчи ҳисобланади. Ташқи муҳитда (тупрокда) аскаридия тухумлари 6 ойдан 2,5-3 йилгача сақланиб, тўшамалари алмашинмайдиган паррандахоналар энг хавфли манба ҳисобланади.

2. Тадқиқотларда куркалар аскаридиозини даволашда альбендазол гранулят антигельминтиги 50 мг/кг ва панафенб антигельминтигини 40 мг/кг микдорида қўлланилганда, самарадорлиги мос равишда 87,6% ва 97,8% га тенг бўлиши аниқланди.

3. Куркачилик хўжаликларида ўтказилган тадқиқотларда куркаларнинг фақат гистомоноз инвазияси билан зарарланиши 38,1%, аралаш инвазиялар - гистомоноз ва эймериоз 18,01% ни, эймериялар билан зарарланиш эса 15,2% ни ташкил этиши қайд этилди.

4. Куркалар гистомонози моно ёки аралаш инвазия шаклида кечиб, куркачилик хўжаликларида инвазиянинг экстенсивлиги 56,2 фоизгача қайд этилди ва касалланган куркаларнинг ўлим ҳолати 40% гача бўлиши аниқланди.

5. Гистомонадалар билан касалланган куркаларни даволашда метронидазол (0,5 г 1 кг омихта емга) ҳамда фуразолидон (0,5 г 1 кг омихта емга) билан замонавий биосупервет нео (0,5 мл 1 литр сувга) витаминлар комплексини қўллаш эвазига даволаш муддати 10 кундан 7 кунга қисқариши, метронидазол (0,5 г 1 кг омихта емга) ва биосупервет нео (0,5 мл 1 литр сувга) витаминлар комплексини биргаликда қўллашнинг самарадорлиги 98% ни ташкил қилиши аниқланди.

6. Куркалар гистомонозида метронидазол ва биосупервет нео витаминлар

комплексини биргаликда қўллашнинг самарадорлиги юқори бўлиб, қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларини мўътадиллашишини таъминлади.

7. Спонтан зарарланган куркалар гистомонози пайтида қондаги эритроцитларнинг 38,1%, гемоглобиннинг 41,4%, умумий оқсилнинг 25,2%, альбуминларнинг 39,3% ва кальцийнинг 56,6% гача пасайиши, лейкоцитларнинг 53,3%, тромбоцитларнинг 56,2%, глюкозанинг 55,9%, билирубиннинг 70,9% гача ортиши кузатилди.

8. Спонтан зарарланган куркалар гистомонозида қўлланилган даволаш комплекси антипаразитар, ҳамда яллиғланишга қарши тасир хусусияти билан биргаликда жигарнинг альбуминсинтезлаш, гликогенсинтезлаш, билирубин конъюгациялаш, аминотрансфераза ферментларини фаоллаштириш хусусиятларига тормозловчи таъсиркўрсатмайди, гемопозэни стимуллайди, кальцийнинг ўзлаштирилишини кучайтиради ва бунда энг яхши самара метронидазол, биосупервет нео комплекси ишлатилган гуруҳда кузатилди.

9. Курка гельминтозлари ва гистомонозини даволаш ва олдини олишда самарали дори воситаларини витаминли комплекслар билан биргаликда (комбинацияда) қўллаш эвазига даволаш муддати қисқариб, иқтисодий самарадорлик 1 сўм харажатга 12,0 сўм миқдорда қайд этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

РУСТАМОВ БАХТИЁР СУВОНКУЛОВИЧ

**ЭПИЗООТОЛОГИЯ ГЕЛЬМИНТОЗОВ И ГИСТОМОНОЗ ИНДЕЕК И
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ БОРЬБЫ С НИМИ**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации на степень доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.3.PhD/V43.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samvmi.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Давлатов Равшан Бердиевич
доктор ветеринарных наук, профессор

Официальные оппоненты: Орипов Анвар Орипович
доктор ветеринарных наук, профессор

Насимов Шухрат Наимович
кандидат ветеринарных наук

Ведущая организация: Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «12» 02 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 по присуждению учёных степеней при Самаркандском институте ветеринарной медицины (Адрес: 140103, Самарканд, ул. М.Улугбека, дом 77, тел: (99866) 234-76-86; e-mail: www.samvmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института ветеринарной медицины (зарегистрирована за № 14292). Адрес: 140103, Самарканд, ул. М.Улугбека, дом 77, тел: (99866) 234-76-86.

Автореферат диссертации разослан «21» 01 2022 г.
(протокол рассылки № 19 от «21» 01 2022 г.)



Х.Б.Юнусов
Председатель научного совета по присуждению
учёной степени, д.биол.н., профессор

Ш.Х.Курбанов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёной степени, к.вет.н., доцент

К.Н.Норбоев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёной степени,
д.вет.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы.

В настоящее время производство индейки является наиболее быстрорастущим сектором птицеводства в большинстве стран. «Мировое производство мяса индейки в 2017 году достигло 6,4 млн тонн. В период с 2007 по 2017 годы среднегодовой темп роста добычи составил 1,2%»¹. Благодаря вниманию, уделяемому этой сфере в последние годы, и интересу широких слоёв населения, количество домашней птицы, ежегодно выращиваемой в стране за последние 30 лет, достигло с 34 миллионов до 93 миллионов голов в год. Около 44% от общего количества птицы выращивается в специализированных промышленных птицеводческих и фермерских и 56% в домашних хозяйствах. В настоящее время важными задачами являются предотвращение экономического ущерба от широко распространенных инвазионных болезней птиц, особенно индеек, а также разработка современных мер их лечения и борьбы..

Определить эпизоотологическое и эпидемиологическое состояние наиболее распространенных среди индеек инвазионных заболеваний во всем мире, правильно диагностировать, разработать эффективные решения современных проблем лечения и профилактики, удовлетворить потребности населения в мясе птицы и обеспечить безопасность пищевых продуктов. и реализация эффективных лечебно-профилактических мероприятий в борьбе с инвазивными болезнями индеек является одной из актуальных проблем.

В целях обеспечения продовольственной безопасности в Республике, а также развития птицеводства и дальнейшего укрепления кормовой базы отрасли и поддержки предпринимательских субъектов птицеводческого направления, развития птицеводства в стране и увеличения объемов и разнообразия готовой продукции на экспорт, а также обеспечения населения качественной и дешевой птицеводческой продукцией предпринимаются последовательные меры.

В то же время, при быстром развитии отрасли, включая внедрение современных технологий, модернизации производственных процессов и увеличении экспорта готовой продукции птицеводства и выращивания других видов домашней птицы (индеек, перепелок, гусей, уток, страусов, куропаток и других), обнаружение, лечение и профилактика инвазионных болезней встречающихся среди них является важными проблемой.

Настоящее диссертационное исследование в определённой степени служит для выполнения задач предусмотренных в Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»², УП-5696 от 28 марта 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы Государственного управления в сфере ветеринарии и животноводства» и в Постановлениями

¹ Мировой рынок мяса индейки. Маркетинговое исследование: тренды, анализ и прогноз, 2018.

² Указ Президента Республики Узбекистан за УП-4947, от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Президента Республики Узбекистан №ПП-4015 от 13 ноября 2018 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию птицеводства» а также №ПП-5146 от 14 июня 2021 года «О дополнительных мерах направленных на развитие птицеводства и укрепление кормовой базы» и других нормативно-правовых документах связанных с данным направлением.

